

# Ҳалқ сўзи

Ўзбекистон – келажаги буюк давлат

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган ● WWW.XS.UZ ● E-mail: Info@xs.uz ● 2019 йил 24 сентябрь, № 198 (7428) Сешанба

Сайтимизга ўтиш учун QR-кодини телефонингиз орқали сканер қилинг.


# Қадди баланд элнинг ғолиб ўғлонлари

## Бокс бўйича Ўзбекистон терма жамоаси жаҳонда тенгсиз эканини яна бир карра исботлади.

9 — 21 сентябрь кунлари Россиянинг Екатеринбург шаҳрида бокс бўйича жаҳон чемпионати бўлиб ўтди. Унда **79 мамлакат**дан **362 нафар спортчи** иштирок этди. Қувонарлиси, нуфузли мусобақада Ўзбекистон терма жамоаси **3 та олтин, 1 кумуш ва 1 бронза медаль** жамғариб, жаҳон чемпионатини умумжамоа ҳисобида **биринчи ўринда** якунлади.

**Ифтихор**





**ЖАҲОН ЧЕМПИОНАТИНИ ЎЗБЕКИСТОН УМУМЖАМОА ҲИСОБИДА БИРИНЧИ ЎРИНДА ЯКУНЛАДИ**

aiba 2019 Ekaterinburg World Boxing Championships

| Ўрин | Мамлакат | Олтин | Кумуш | Бронза | Жами |
|---|---|---|---|---|---|
| 1 | Ўзбекистон | 3 | 1 | 1 | 5 |
| 2 | Россия | 3 | 0 | 1 | 4 |
| 3 | Қозоғистон | 1 | 1 | 4 | 6 |
| 4 | Куба | 1 | 1 | 1 | 3 |
| 5 | Англия | 0 | 1 | 2 | 3 |
| 6 | Ҳиндистон | 0 | 1 | 1 | 2 |
| 7 | Филиппин | 0 | 1 | 0 | 1 |
| 8 | АҚШ | 0 | 1 | 0 | 1 |

Куни кеча ярим тунда спорт делегациямиз Ислом Каримов номидаги Тошкент халқаро аэропортида тантанали кутиб олинди.

Бу ерда вазирлик ва идоралар мутасаддилари, кенг жамоатчилик вакиллари, спорт ихлосмандлари, юзлаб мухлислар жам бўлишди. Юртдошларимизнинг юз-кўзида ўзбек бокси халқаро майдондаги юқори ўрнини тобора мустаҳкамлаб бораётганидан фахрланиш ҳисси яққол акс этиб турарди.

➡ 2



**Муносабат**

# ТУРКИЙ ТИЛЛИ ДАВЛАТЛАР ЎРТАСИДАГИ ҲАМКОРЛИК ЯНАДА РИВОЖЛАНИШИ МИЛЛИЙ МАНФААТЛАРИМИЗГА ХИЗМАТ ҚИЛАДИ

*Президентимиз томонидан шу йил 14 сентябрда “Туркий тилли давлатлар ҳамкорлик Кенгашини тузиш тўғрисидаги Нахичеван Битимини (Нахичеван, 2009 йил 3 октябрь) ратификация қилиш ҳақида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни имзоланди.*

*Мухбиримиз мазкур ҳужжатнинг мазмун-моҳияти, аҳамияти ҳақида Олий Мажлис Сенатининг Ёшлар, маданият ва спорт масалалари қўмитаси раиси Иқболжон Мирзаалиев фикр-мулоҳазалари билан қизиқди.*

— Ҳар мамлакатнинг ўз тили, маданияти, урф-одатлари ва тарихи мавжуд. Буларсиз яхлит бир давлат ҳам, миллат ҳам бўлмаслиги кундек равшан, — дейди қўмита раиси. — Тарихдан маълумки, тили, эътиқоди, турмуш тарзи яқин халқлар бир-бирига доим интилиб келган. Зеро, “Ёлғиз отнинг чанги чиқмас, чанги чиқса ҳам, донғи чиқмас” деган ҳикматли гап бежиз айтилмаган. Улар бир-бирини қўллаб-қувватлаган, ғамхўрлик қилган, керак бўлса, бир-бирига суянч ва паноҳ бўлган элатлар дунё тамаддунида ўзларига хос ва мос ўринларни нисбатан тезроқ эгаллашган. Бунга мисоллар жуда кўп.

➡ 3

# Дунё ишбилармонлари «Очиқ Жануб»да бўлдилар

*Термиз шаҳрида “Open South International Business Forum II” бўлиб ўтди. Унда Россия, Туркия, Япония, Жанубий Корея, Канада, Австрия, Бангладеш, Буюк Британия, Афғонистон, Тожикистон, Туркманистон каби йигирмадан ортиқ давлатларнинг йирик компаниялари, халқаро молиявий ташкилотлар, дипломатик корпус ҳамда савдо уйлари вакиллари қатнашди.*

**Форум**

Форумнинг очилиш маросимида Сурхондарё вилояти ҳокими Т. Боболов, Ўзбекистон Республикаси Савдо-саноат палатаси раиси А. Икрамов, инвестициялар ва ташқи савдо вазири ўринбосари Ф. Раҳимов томонидан ҳududнинг инвестиция, экспорт, туризм салоҳияти, вилоятга тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларни жалб қилишнинг аҳамияти ҳамда савдо-иқтисодий, ижтимоий соҳаларда йўлга қўйилаётган ҳамкорлик ҳақида атрофлича маълумот берилди.

Қайд этиш керакки, биринчи халқаро бизнес форуми натижасида озиқ-овқат, тўқимачилик, қурилиш, чарм маҳсулотларини ишлаб чиқариш, мева-сабзавотларни қайта ишлаш, замонавий иссиқхона, интенсив боғ ташкил этиш, шунингдек, чинни буюмлар, ромлар, музқаймоқ, мева-сабзавотларни экспорт қилиш бўйича умумий қиймати 351 миллион долларга тенг бўлган 47 та инвестицион, шунингдек, умумий ҳажми 217 миллион долларлик 44 та ташқи савдо шартномаси имзоланганди. Уларнинг ижроси доирасида 2018-2019 йиллар мобайнида 100 миллион доллардан ортиқ тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар ўзлаштирилди.

➡ 2

# САЙЛОВЛАР ДЕМОКРАТИК ТАМОЙИЛЛАР АСОСИДА, ЯНГИЧА РУҲДА ЎТАДИ

*Ўзбекистон катта сиёсий жараён — Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлари ва маҳаллий Кенгашлар депутатлари сайлови арафасида турибди. Сайловлар мамлакатимизда олиб борилаётган демократик ислоҳотлар, яқин ва олис истиқбол учун белгилаб олинадиган стратегик тараққиётнинг дастурий вазифаларини амалга оширишда муҳим аҳамият касб этади.*

Марказий сайлов комиссияси ўзининг ўтган ҳафтада бўлиб ўтган мажлисида 2019 йил 22 декабрни Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси депутатлари ва маҳаллий Кенгашлар депутатлари сайлови куни, деб белгилади. Сайлов кампанияси 20 сентябрдан бошланиши эълон қилинди.

22 декабрда бўлиб ўтадиган сайловлар аввалгиларидан тубдан фарқ қилади. Энг аввало, бу йилги сайловларда конституциявий қоидалар ва халқаро сайлов стандартларига биноан Ўзбекистоннинг қонун чиқарувчи ҳокимияти ва маҳаллий давлат ҳокимияти вакиллик органларининг таркиби даврийлик принципи асосида янгиланиши таъминланади.

Сайловларнинг янгича ўтиши, биринчидан, фуқароларнинг сиёсий-ҳуқуқий онги ва маданияти юксалиб бораётганлиги, иккинчидан, сиёсий партияларнинг сайловолди платформалари ранг-баранглик касб этиб, жамият ва давлат ҳаётидаги муҳим муаммоларни ечишга қаратилаётгани, учинчидан, оммавий ахборот воситаларининг том маънодаги “тўртинчи ҳокимият” сифатидаги ўз ўрнини эгаллаётгани, энг муҳими, мамлакатимизда барча соҳа ривожида очиқлик, ошкоралик тамойилларига катта эътибор қаратилаётгани билан бевосита боғлиқдир.

Ўз тараққиётининг янги босқичига қадам қўйган Ўзбекистонда янги парламентга ва янги маҳаллий Кенгашларга депутатларни сайлаш учун янгича руҳдаги сайловлар кампанияси бошланди. Жорий йилдаги сайловлар мамлакатимизни ривожлантиришнинг бешта муҳим устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясида ўз ифодасини топган илғор демократик ғояларнинг амалдаги яна бир ёрқин ифодаси бўлади. Айни пайтда ушбу сайловлар Ўзбекистонда барча соҳада, жумладан, сиёсий-ҳуқуқий, ижтимоий, иқтисодий, маданий, маънавий-маърифий йўналишларда амалга оширилаётган кенг кўламли, жадал ислоҳотларнинг узвий қисмидир.

➡ 2

# ҲАМЖИҲАТЛИКНИНГ ОЛТИН ҲАЛҚАСИ

*Кейинги йилларда Ўзбекистон дунёнинг кўплаб мамлакатлари билан жуда яқин ҳамкорлик муносабатларини ўрнатди. Айниқса, қўшни ва қардош давлатлар билан дўстона алоқалар янги бир поғонага кўтарилди, илгари ҳеч кўрилмаган мазмун-моҳият билан бойиди. Бу эса, ҳеч шубҳасиз, Ўзбекистонда бўлаётган ошкора, халқчил сиёсатнинг, туб ислоҳотларнинг самарасидир.*

Мана шундай вазиятда Ўзбекистоннинг Туркий тилли давлатлар ҳамкорлик Кенгашига аъзо бўлиши кўпдан интиқлик билан кутилаётган тарихий бир воқеа бўлди.

Мамлакатимиз Президенти Қирғизистоннинг Чўлпонота шаҳрида бўлиб ўтган Туркий тилли давлатлар ҳамкорлик Кенгашининг олтинчи саммитида сўзлаган нутқида келгусида Ўзбекистон ҳам бу ташкилотга аъзо бўлиб киришини урғулаб, ташкилотга аъзо давлатларнинг ҳаётий манфаатларига тўла жавоб берадиган иқтисодиёт, инвестиция, инновация, транспорт ва коммуникация, туризм, илм-фан, таълим ва маданият каби устувор соҳаларда ўзаро ҳамкорлик фаол ривожланиб бораётганини, бироқ бу етарли эмаслигини, ташкилотнинг олдида турган қатор муҳим вазифаларни алоҳида таъкидлаган эди. Бу вазифалар ҳалигача ўз долзарблигини йўқотгани йўқ.

➡ 3

# Электрон тўлов тизими такомиллашади

*Банк тизими барқарорлигининг таъминланиши, соҳада амалга оширилаётган ислоҳотларнинг изчил бориши мамлакат иқтисодиётининг муттасил ривожланишида муҳим омил саналади.*

**Парламент ҳаёти**

Давлатимиз раҳбари томонидан Ўзбекистон Республикаси Марказий банки фаолиятини тубдан такомиллаштириш ҳамда банк хизматлари оммабоплигини оширишга йўналтирилган Фармон ва қарорларнинг қабул қилиниши юртимизда банклар ва тўлов тизими барқарорлигини таъминлашнинг стратегик мақсадли йўналишларини белгилаб берди.

Шундан келиб чиқиб, “Тўловлар ва тўлов тизимлари тўғрисида”ги қонун лойиҳаси ишлаб чиқилди. Ҳозирги кунга қадар амалда бўлган “Электрон тўловлар тўғрисида”ги Қонун ва қонуности ҳужжатлари фақатгина банк соҳасининг тегишли қисмига тааллуқли экани ҳеч кимга сир эмас.

➡ 2

**ФАКТ ВА РАҚАМЛАР**

# ХАЛҚ БИЛАН МУЛОҚОТНИНГ УЧ ЙИЛИ

**Бундан уч йил аввал давлатимиз раҳбарининг «Халқ давлат идораларига эмас, давлат идоралари халқимизга хизмат қилиши керак» деган тамойили асосида Виртуал қабулхонаси фаолиятини йўлга қўйган эди. Ўша ондан бошлаб, халқ билан тўғридан-тўғри мулоқот қилишни янги даражага кўтаришга старт берилди.**



Шу вақтгача Виртуал қабулхонага **3 219 223** мурожаат келиб тушди ва уларнинг **3 167 856** таси кўриб чиқилди.

PREZIDENTGA MUROJAAT

## Президентга мурожаат йўллаш турлари:

**А.** Яшаш жойингиз бўйича Ўзбекистон Республикаси Президенти Халқ қабулхоналарига ташриф буюринг

**Б.** 1000 ёки 0-800-210-00-00 рақамларига қўнғироқ қилинг ва ўз масалангизни оғзаки баён этинг

**В.** pm.gov.uz порталидаги Виртуал қабулхонага мурожаат йўлланг





Президентимизнинг 2016 йил 28 декабрдаги «Жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари билан ишлаш тизимини тубдан такомиллаштиришга доир чора-тадбирлар тўғрисида»ги Фармонига мувофиқ, Халқ қабулхоналари ташкил этилди.

Айни пайтда бутун мамлакатимиз бўйлаб **208 та** шундай қабулхона фаолият кўрсатмоқда.

Қабулхоналар фуқароларга Ўзбекистон Республикаси Президентига мурожаат қилиш конституциявий ҳуқуқини рўёбга чиқаришда ёрдам бермоқда.

Президентимизнинг 2019 йил 14 майдаги «Тадбиркорлик фаолиятини қўллаб-қувватлаш ва ҳимоя қилиш тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармони асосида Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг Тадбиркорлар мурожаатларини кўриб чиқиш қабулхоналарининг ташкил этилиши бу борадаги ишларнинг мантиқий давоми бўлди.

Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг Тадбиркорлар мурожаатларини кўриб чиқиш қабулхоналарига сўнгги уч ой давомида **12 мингдан зиёд** мурожаатлар келиб тушди.

© «Халқ сўзи»

# Қадди баланд элнинг ғолиб ўғлонлари

## Бокс бўйича Ўзбекистон терма жамоаси жаҳонда тенгсиз эканини яна бир карра исботлади.

Дарҳақиқат, чемпионатдан аввал қатор хорижий нашрлар, телеканаллар, интернет сайтлари спорт мутахассислари фикр-мулоҳазаларига таяниб, медаллар учун асосий даъвогар сифатида Ўзбекистон терма жамоасини тилга олишди. Бу бежиз эмасди. Чунки Рио Олимпиадасида, ундан кейинги нуфузли халқаро турнирларда вакилларимиз ушбу спорт тури ривожланган Куба, Россия, Қозоғистон каби давлатлар вакилларини ортда қолдириб, айни пайтда дунёда тенгсиз эканликларини исботлаб келишаётганди. Масалан, АҚШлик машҳур боксчи Рой Жонс Екатеринбургдаги баҳслар олдидан “Ўзбекистонлик боксчилар ҳар қачонгидан кучлироқ. Менимча, улар чемпионатда фаворит!” дея фикр билдирди.

Бундай тахминлар амалда ўзини оқлади. Жаҳон чемпионати финалига энг кўп йўлланмани қадди баланд элимизнинг асил ўғлонлари қўлга киритди. Якуний беллашувларда қатнашган тўрт спортчимизнинг уч нафари шарафига мадҳиямиз янграб, байроғимиз баланд кўтарилди.

Дастлаб олтин медаль учун жангни -52 килограмм вазн тоифасида ҳамюртимиз Шаҳобиддин Зоиров бошлаб берди. У финалгача моҳир спортчиларни енганди. Сўнгги рақиби ҳиндистонлик Амит Пангал билан муросасиз ва қизиқарли кечган баҳс якуни бўйича Шаҳобиддин Зоировнинг қўли баланд келди ва у жаҳон чемпионатининг биринчи олтин медалини қўлга киритди.



**Жаҳон чемпионатида совриндор бўлган вакилларимиз:**

**Олтин медаль:**
**-52 кг.:** Шаҳобиддин Зоиров
**-57 кг.:** Миразиз Мирзахалилов
**+91 кг.:** Баҳодир Жалолов

**Кумуш медаль:**
**-81 кг.:** Дилшодбек Рўзметов

**Бронза медаль:**
**-69 кг.:** Бобоусмон Батуров

57 килограммгача вазн тоифасидаги финал учрашувида яна бир вакилимиз — Миразизбек Мирзахалилов кубалик ўта кучли рақиб Лазаро Альварес Эстрадага қарши рингга кўтарилди. Ушбу жанг иккинчи раунддаёқ тўхтатилди. Сабаби бу пайтга келиб, кубалик боксчининг қоши ёрилиб кетганди. Натижада ҳакамлар томонидан ўша вақтгача бўлган очколар ҳисобланди ва унда Мирзахалилов ғолиб, деб эълон қилинди.

Ёш ва истеъдодли боксчиларимиздан бири Дилшодбек Рўзметов жаҳон чемпионатидаги дебютини муваффақиятли ўтказди. У -81 килограмм вазнда қозоғистонлик рақиби Бекзад Нурдаулетовга қарши баҳс олиб борди ва уч раунд якунига кўра, терма жамоамиз ҳисобига ягона кумуш медални тақдим этди.

Мусобақанинг энг сўнгги финали ҳамюртимиз Баҳодир Жалолов (+91 кг.) ва унинг азалий рақиби қозоғистонлик Камшибек Конкабаев иштирокида кечди.

Бу беллашувда супероғир вазн тоифасидаги спортчимизнинг қўли баланд келиб, фаолиятида биринчи бор жаҳон чемпионатининг олтин медалига сазовор бўлди. Яна бир аҳамиятли жиҳати, Жалолов ўзининг азалий рақиби билан ўзаро ҳисоб-китоб бўйича олдинга чиқиб олди. Бунгача мазкур боксчилар 4 маротаба тўқнаш келишган ва ҳисоб 2:2 кўринишида турганди.

Дарвоқе, мусобақада ўзининг ажойиб жанглари билан мухлислар меҳрини қозонган Баҳодир Жалолов бир овоздан 20-жаҳон чемпионатининг энг яхши боксчиси, деб топилди.

Яна бир вакилимиз Бобоусмон Батуров (-69 кг.) жаҳон чемпионатини бронза медаль билан якунлади. Таъкидлаш жоиз, бу Батуров учун фаолиятидаги дастлабки жаҳон чемпионати эди.

Жаҳон чемпионатида терма жамоамиздан кейинги иккинчи ва учинчи ўринни Россия ҳамда Қозоғистон терма жамоалари эгаллади.

**Омонулла ФАЙЗИЕВ**
**(«Халқ сўзи»).**

> “2016 йили Риодаги Олимпиадада ўзбекистонлик боксчилар 3 та олтин, 2 та кумуш, 2 та бронза медални қўлга киритиб, умумжамоа ҳисобида биринчи ўринни эгаллаган эди. Марказий Осиёнинг ушбу давлатига унинг биринчи рақамли боксчилари профессионал боксга ўтиб кетгани тўсқинлик қилмади. Кўриб турганингиздек, бу боксчилар ўрнини муносиб авлод эгаллади”.
>
> **www.championat.com**

> “Турнирнинг энг яхши боксчиларидан бири Баҳодир Жалоловнинг кучли зарбалари нафақат олтин, балки умумий ҳисобда Ўзбекистон терма жамоасининг ғалабасини таъминлади”.
>
> **www.boxingscene.com**

**Баҳодир ЖАЛОЛОВ, бокс бўйича жаҳон чемпиони:**

— Бу ғалаба барчамизники! Биз Россияда Президентимизнинг эътиборини, юртдошларимизнинг қўллаб-қувватлашини, дуоларини ҳис қилиб турдик. Ярим тун бўлишига қарамай, мухлисларимиз катта тантана билан кутиб олганидан беҳад хурсандмиз. Насиб қилса, келаси йил Токио Олимпиадасида ҳам салоҳиятимизни намойиш этиб, бокс бўйича биринчи рақамли терма жамоа эканимизни исботлаймиз.

**Марат ҚУРБОНОВ, бокс бўйича Ўзбекистон терма жамоаси бош мураббийи:**

— Бу галги жаҳон чемпионатида барча мамлакатлардан дунёнинг энг кучли боксчилари иштирок этди. Шу жиҳатдан Ўзбекистон терма жамоаси олдида катта масъулият бор эди. Мусобақада энг яхши натижани қайд этганимиздан жуда мамнунмиз. Олдимизда турган энг муҳим вазифа — Токио Олимпиадасига пухта тайёргарлик кўриш. Ҳадемай тўрт йилликнинг энг нуфузли мусобақасига лицензия берувчи халқаро турнир Хитойда бўлиб ўтади. Унда муносиб иштирок этиш учун аниқ стратегия ва режаларни ишлаб чиққанмиз. Насиб қилса, халқимизга қувонч улашишда давом этамиз.

# Дунё ишбилармонлари «Очиқ Жануб»да бўлдилар

Хусусан, Буюк Британия билан ҳамкорликда Жарқўрғон туманида цемент ишлаб чиқариш бўйича 28,3 миллион долларлик, Австрия билан биргаликда Музработ ва Денов туманларида қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиштириш, сақлаш ва қайта ишлашни ташкил этиш бўйича 25,2 миллион долларлик, Туркманистон билан ҳамкорликда Сариосиё туманида шағал саралаш ва асфальт маҳсулотлари ишлаб чиқариш лойиҳаси бўйича 3,1 миллион долларлик тўғридан-тўғри хорижий инвестиция жалб этилди. Шунингдек, вилоятнинг Узун туманида Россия Федерацияси томонидан йўналтирилган 4,9 миллион долларлик сармоя асосида замонавий хизмат кўрсатиш комплексларини қуриш, интенсив боғлар ташкил қилиш, қум ва шағал ишлаб чиқариш йўлга қўйилган. Бундай мисолларни яна кўплаб келтириш мумкин.

Анжуманнинг ялпи мажлисида вилоятнинг инвестицион салоҳияти, иқтисодий, ижтимоий, жуғрофий имкониятлари, табиий бойликлари ҳақида тақдимотлар ўтказилди.

Вилоятдаги мавжуд тошкўмир, газ, цемент, нефть, мармар, ош ва калий тузлари, оҳак, уран, гранит тош, олтингугурт, керамзит, гипс, кварц, йод, карбид, бром, сланец каби кўплаб ноёб табиий бойликлар захирасидан унумли фойдаланган ҳолда янгидан-янги лойиҳаларни амалга ошириш имконияти бор. Аграр тармоқ ривожи учун эса воҳанинг табиий иқлим шароити жуда қулай. Туризмнинг истиқболли йўналишларини ташкил этиш учун ҳам шарт-шароитлар мавжуд. Ўтказилган шуъба мажлисларида айни жиҳатларга эътибор қаратилиб, истиқболли лойиҳалар юзасидан музокаралар ўтказилди.

“Open South International Business Forum II” доирасида “Termiz kargo” экспорт марказида маҳаллий товар ишлаб чиқарувчиларнинг тайёр муҳсулотлари кўргазмаси ташкил этилди. Мазкур кўргазма маҳаллий корхоналар ва хорижий тадбиркорлар ўртасида алоқалар ўрнатиш ва кўплаб янги истиқболли лойиҳалар учун замин яратди. Халқаро бизнес форуми доирасида умумий қиймати 429,7 миллион долларга тенг бўлган 70 та шартнома имзоланди.

Анжуман иштирокчилари вилоятнинг тарихий-маданий ёдгорликлари, диққатга сазовор жойлари ҳамда бир неча йирик саноат корхоналари фаолияти билан ҳам танишдилар.

## Сўз — анжуман иштирокчиларига

**Муҳаммад Исҳоқ РАҲГУЗАР, Балх вилояти ҳокими (Афғонистон Республикаси):**

— Афғонистон ва Ўзбекистонни азалий дўстлик ва қардошлик риштлари боғлаб туради. Давлатингиз раҳбари Шавкат Мирзиёевнинг очиқ ва прагматик ташқи сиёсати бу борада янги уфқларни очаётир.

Термизда ўтган йили ўтказилган халқаро бизнес форумида Афғонистон Республикаси ишбилармонлари бир қатор келишувларга эришганди. Натижада айни пайтда интенсив боғ ташкил қилиш, пойабзал ишлаб чиқариш ва қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиштириш, Термиз шаҳрида турар ҳамда нотурар-жойларни қуриш учун жами 6 миллион долларлик йирик лойиҳалар амалга оширилмоқда. Бу сафарги ташрифимиз ҳам, кутганимиздек, самарали бўлди. Форум доирасида Сурхондарё вилояти ҳокими билан мулоқот қилиб, муносабатларимизни янада ривожлантириш истиқболларини белгилаб олдик.

**Муҳаммади ҚОДИРОВ, Бойсун тумани ҳокимлиги инвестициялар ва ташқи савдо бўлими бошлиғи:**

— Иккинчи маротаба ўтказилган “Очиқ Жануб” халқаро форуми биз учун ҳар жиҳатдан фойдали бўлмоқда. Дунёнинг кўплаб давлатларидан келган тадбиркорлар билан мулоқотларимиз самарали кечиб, 36 миллион долларлик тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларни жалб қилиш, 15 миллион долларлик маҳсулот экспорти бўйича шартномалар тузишга эришдик. Жумладан, цемент ишлаб чиқариш бўйича хитойлик ҳамкорлар билан умумий қиймати 35 миллион долларга тенг лойиҳани амалга оширишга келишиб олдик. Бойсун туманида Туркиянинг “Idialist” шаҳарсозлик ва муҳандислик компанияси томонидан тақдим этилган замонавий сайёҳлик марказини қуриш лойиҳаси ҳам кўпчиликнинг эътиборини тортди. Лойиҳага кўра, Бойсун туманининг Омонхона қишлоғидан Завбоши ҳудудигача анъанавий қишлоқ ҳаётини акс эттирувчи маданий, тиббий ва табиат туризми марказлари яратилади. Бу ерда йирик маданият маркази, амалий ва ҳунармандчилик устахоналари, ўтовлар, меҳмонхоналар ва бир неча хизмат кўрсатиш шохобчалари, тоғдор йўли ва экобоғлар ташкил этиш кўзда тутилган. Буларнинг барчаси иқтисодиётимиз ривожига ҳисса қўшиш, халқимиз фаровонлигини янада оширишга қаратилгани билан аҳамиятлидир.

**Илҳом РАҲМАТОВ**
**(«Халқ сўзи»).**

# Электрон тўлов тизими такомиллашади

Бундан ташқари, банк ва нобанк молия институтларида рақамли банк технологияларининг ривожланиши тўлов хизматлари соҳасида янги субъектлар, яъни тўлов тизими операторларининг ва тўлов ташкилотларининг вужудга келишига замин яратди. Мамлакатимизда тўлов ва тўлов тизимлари тўғрисидаги қонуннинг мавжуд эмаслиги соҳанинг тўлақонли фаолият юритишига, улардаги хизмат турларининг кенгайишига тўсиқ бўлаётган эди.

Таъкидлаш жоизки, ривожланган давлатларда тўловлар ва тўлов тизимлари соҳасини, жумладан, электрон пуллар тизимини тартибга солувчи қонунлар мавжуд. Бугунги кунга келиб, тўловлар ва тўлов тизимини тартибга солувчи ва унинг назоратини олиб борувчи ваколатли давлат органининг белгиланмагани бу соҳада хатарларнинг вужудга келишига йўл очаётган эди.

Яқинда Олий Мажлис Қонунчилик палатаси томонидан қабул қилинган “Тўловлар ва тўлов тизимлари тўғрисида”ги қонун тўловлар соҳасида кўрсатиладиган хизматлар кўламини кенгайтириб, тўлов тизими операторлари ва тўлов ташкилотларининг турли хил хизматлар кўрсатиш, чунончи, электрон пуллар билан операцияларни амалга ошириш ваколатини беради. Бу, албатта, тўлов тизимидан фойдаланувчиларга кенг имкониятлар яратиб, ушбу хизматларнинг оммабоплиги ва шаффофлигини таъминлайди, тўлов инфратузилмасининг кенгайишига олиб келади.

Шу билан бирга, қонун миллий тўлов тизимларининг узлуксизлигини таъминлаш, уларнинг барқарорлигини ошириш, банклар ва тўлов ташкилотлари ўртасида соғлом рақобат муҳитининг яратилишига, тўлов тизими операторлари ва тўлов ташкилотлари хизматларидан фойдаланувчиларнинг ҳуқуқ ҳамда мажбуриятларини ҳимоя қилишга ёрдам беради.

Миллий тўлов тизимининг янада такомиллаштирилиши юртимиз аҳолиси ва тадбиркорлик субъектлари учун хавфсиз, ишончли ва қонуний кафолатланган тўлов хизматлари бозорининг тўлақонли шакллантирилишига шароит яратади. Миллий тўлов тизимининг институционал, инфратузилмавий ва меъёрий-ҳуқуқий базасининг такомиллаштирилиши, банк хизматлари қамрови ва оммабоплигининг илғор ахборот-коммуникация технологиялари асосида ривожланиши аҳолининг ҳам, тадбиркорлик субъектларининг ҳам тўлов хизматлари бозоридаги талаби қондирилишига кўмаклашади.

Умуман айтганда, мазкур қонуннинг амалиётга татбиқ этилиши нақд пулсиз, шу жумладан, банк пластик карталари орқали тўловларнинг амалга оширилишида аҳоли ва тадбиркорларнинг ҳамда улардан тўловларни қабул қилиб олувчилар ўртасида ҳисоб-китобларнинг замонавий, самарали тизимининг йўлга қўйилишида муҳим омил бўлади.

**Салоҳиддин ҲАМДАМОВ,**
**Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Девони масъул ходими.**

# Давлат дастури – тасвирий тарғибот воситаларида

*“Тасвирий ойина” ижодий уюшмаси, Монополияга қарши курашиш қўмитаси ҳамда Самарқанд вилояти ҳокимлиги ҳамкорлигида Ургут туманида ташқи рекламани жойлаштириш борасидаги фаолиятни янада такомиллаштириш, ижтимоий рекламада маънавий-маърифий тарғиботни кучайтириш вазифаларига бағишланган республика кўргазмали семинари ўтказилди.*

**Семинар**

Вазирлар Маҳкамасининг тегишли қарори ижроси доирасида ташкил этилган мазкур тадбирда реклама бозорида соғлом рақобат муҳитини яратиш, республика аҳоли пунктлари қиёфасини яхшилаш, ижтимоий реклама ҳамда маънавий ва маърифий, тасвирий-тарғиботни янада кенг ташкил этиш, ташқи реклама фаолиятини такомиллаштириш билан боғлиқ долзарб масалалар чуқур таҳлил қилинди.

Хусусан, Ўзбекистон Республикаси “Тасвирий ойина” ижодий уюшмаси бошқаруви раиси Исфандиёр Латиповнинг мамлакатимизда ташқи тарғибот воситалари орқали “Фаол инвестициялар ва ижтимоий ривожланиш йили” Давлат дастурида белгиланган устувор вазифаларни тарғиб этиш, ташқи реклама соҳасидаги фаолиятни такомиллаштириш, ижтимоий рекламада маънавий-маърифий тарғиботни кучайтириш юзасидан қилган маърузасида шу жиҳатларга катта эътибор қаратилди.

Иштирокчилар ташқи тарғибот воситалари билан безаш бўйича туман тажрибаси билан танишдилар.

Ижодий уюшманинг Қорақалпоғистон Республикаси, Тошкент шаҳри, вилоятлар ва туманлар бўлимлари томонидан Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллигининг 28 йиллигига бағишлаб “Жонажон Ўзбекистоним, мангу бўл омон!” шиори асосида кўргазма ҳам ташкил этилди.

**«Халқ сўзи».**

# САЙЛОВЛАР ДЕМОКРАТИК ТАМОЙИЛЛАР АСОСИДА, ЯНГИЧА РУҲДА ЎТАДИ

Давлатимиз юритаётган бундай изчил ва дадил сиёсат ўзининг юксак самараларини бермоқда. Дунё ҳамжамияти Ўзбекистоннинг тобора юксалиб бораётган нуфузини кенг эътироф этмоқда ва юртимиз билан ҳар томонлама ҳамкорликни кенгайтиришга интилмоқда. Жамиятимиз ҳаётидан кўппартиявийлик, сиёсий плюрализм, фикрлар ранг-баранглиги, очиқлик ва ошкоралик, бағрикенглик тамойиллари тобора мустаҳкам ўрин оляпти.

Шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан 2019 йил 25 июнь куни Ўзбекистон Республикаси Сайлов кодексини амалиётга жорий этишга оид Қонуннинг имзоланиши мамлакатимиз ижтимоий-сиёсий, иқтисодий, ҳуқуқий, маънавий-маърифий ҳаётидаги улкан воқеа бўлди.

Бу йил мамлакатимиз парламенти ва халқ депутатлари маҳаллий Кенгашларига сайловлар илк бор Ўзбекистон Республикасининг янги Сайлов кодекси асосида ўтади ва сайловларда биринчи марта бешта сиёсий партия ўз номзодларини кўрсатиш ҳуқуқига эга. Булар — “Миллий тикланиш” демократик партияси, Халқ демократик партияси, Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати — Ўзбекистон Либерал-демократик партияси, “Адолат” социал-демократик партияси ва Ўзбекистон Экологик партиясидир.

Сайловларга тайёргарлик жамиятни демократлаштириш жараёнлари тобора кенгайиб, фуқароларнинг ижтимоий-сиёсий фаоллиги юксалаётган, сиёсий партиялар ва фуқаролик жамияти институтларининг роли ошиб бораётган, шунингдек, мамлакатимизнинг сайлов тизимини модернизация қилиш ишлари жадаллашган шароитда амалга оширилмоқда. Бунда халқаро ташкилотлар, жумладан, БМТ, ШҲТ, МДҲ, айниқса, ЕХҲТнинг Демократик институтлар ва инсон ҳуқуқлари бўйича бюроси билан ҳамкорлик ўз самараларини бераётир.

Ўзбекистондаги бу йилги сайловлар умумэътироф этилган халқаро сайлов принциплари — универсаллик, тенглик, эркинлик, адолатлилик, яширинлик, очиқлик ва ҳисобдорлик асосида ўтказилади. Бу — ҳар бир овоз эътиборга олинади ва ҳар бир фуқаро давлат ҳокимияти вакиллик органларини шакллантиришда бевосита иштирок этади, бир сайловчи — бир овоз, демакдир. Бу — Ўзбекистонда сайловларда очиқлик, ошкоралик ва шаффофлик амалда кенг таъминланади, демакдир. Бу — участка сайлов комиссияларидан то Марказий сайлов комиссиясигача — барча даражадаги сайлов комиссиялари ўз ишини энг юксак демократик принциплар асосида амалга оширади, демакдир.

Бунинг учун Ўзбекистонда барча ҳуқуқий асослар ва имкониятлар яратилган: умумэътироф этилган асосий халқаро сайлов стандартлари ва нормалари имплементация қилинган миллий сайлов қонунчилиги ҳам, сайловларни ўтказиш борасида кўп йиллик миллий тажриба ҳам, замонавий ахборот-коммуникация технологиялари ҳам, малакали кадрлар ҳам бор. Энг муҳими, Ўзбекистон раҳбариятининг миллий анъаналар ва замонавий демократия ғояларига улкан садоқати, кучли сиёсий иродаси мавжуд. Жамиятда ижтимоий-сиёсий, иқтисодий, ҳуқуқий, маънавий-маърифий, демократик муҳит ва тамойиллар мустаҳкам қарор топган.

Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси ва барча даражадаги сайлов комиссиялари сайловларга тайёргарлик кўриш ва уларни ўтказиш жараёнида ўз ишини очиқлик, ошкоралик ва шаффофлик тамойилларига биноан ташкил этади. Бунинг яққол далили — сайлов кампанияси бошланган куни Марказий сайлов комиссиясининг замонавий ахборот-коммуникация технологиялари билан жиҳозланган Халқаро матбуот марказининг ишга туширилганидир. Марказнинг очилишида турли даражадаги сайлов комиссиялари аъзолари, сиёсий партияларнинг раҳбарлари, мамлакатимиз ва хорижий оммавий ахборот воситалари, фуқаролик жамияти институтлари вакиллари иштирок этди. Таъкидлаш зарурки, Халқаро матбуот марказининг ҳудудий бўлинмалари ҳам ишга киришди. Улар ҳам замонавий ахборот-коммуникация технологиялари билан жиҳозланган. Уларда ҳам сайловлар соҳасида катта тажрибага эга журналистлар, олимлар ва эксперт-мутахассислар фаолият юритади. Оммавий ахборот воситалари вакиллари, кузатувчилар, жумладан, халқаро кузатувчилар, оддий сайловчилар — истаган киши Халқаро матбуот марказидаги туну кун ишлайдиган колл-центрдан, нафақат сайлов жараёнлари, балки мамлакатимизнинг бугунги тараққиёти, тарихи ва истиқболи билан боғлиқ ўз саволларига жавоб олиши мумкин.

Шу ўринда мамлакатимизда бўлажак сайловларга тайёргарлик ишлари қандай йўлга қўйилганига қисқача тўхталиб ўтсак. Аввало, сайлов соҳасидаги қонунлар яхлит бир ҳужжат шаклига келтирилиб, халқаро норма ва стандартларга жавоб берадиган пухта, ихчам ва ягона Сайлов кодекси ишлаб чиқилди. Лойиҳа кенг жамоатчилик, миллий ҳамда халқаро экспертлар иштирокида батафсил муҳокамадан ўтказилганидан сўнг, мамлакатимиз парламенти томонидан 18 боб ҳамда 103 моддадан иборат Ўзбекистон Республикаси Сайлов кодекси қабул қилинди.

Яна бир муҳим янгилик — Ўзбекистоннинг миллий сайлов тизимига Сайлов жараёнини бошқариш ахборот тизими (СЖБАТ) ва Сайловчиларнинг ягона электрон рўйхати (СЯЭР) жорий этилмоқда. Сайлов органлари бўйича кадрларни тайёрлаш ва қайта тайёрлаш ишлари ҳам замон талаблари даражасида такомиллаштирилмоқда. Мазкур ахборот тизими ҳуқуқий тажриба тартибида 2017 йил декабрь ойида Тошкент шаҳрида халқ депутатлари туман Кенгашлари сайловида синовдан ўтказилган ва маҳаллий ҳамда хорижий экспертлар томонидан юксак баҳоланган эди.

Марказий сайлов комиссиясининг 2019 йил 27 майдаги қарори билан тасдиқланган Олий Мажлис, халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашларига 2019 йил декабрь ойида бўлиб ўтадиган сайловларга тайёргарлик кўриш бўйича асосий тадбирлар дастурига биноан барча даражадаги сайлов комиссиялари аъзолигига номзодларнинг билим ва кўникмаларини оширишга қаратилган ишлар 8 босқичли “каскад” услубида, яъни юқоридан қуйига кенгайиб, такомиллашиб борадиган йўсинда ташкил этилганини ҳам таъкидлаш ўринли. Зеро, сайловларни ташкил қилиш ва ўтказиш жараёнида бевосита иштирок этадиган сайлов фаолларини бундай тизимли ва кенг кўламли ўқитиш мамлакатимиз тарихида биринчи марта йўлга қўйилди. Бу йилги сайловларда 16 мингдан зиёд сайлов округлари ва сайлов участкалари тузилиши режалаштирилган. Шу вақтгача 70 нафар республика тренери ва ҳудудларда 748 нафар туман тренерлари гуруҳи шакллантирилди. Ҳозиргача ушбу тренерлар томонидан 51 мингга яқин сайлов комиссияларининг раислари, ўринбосарлари ва котиблари ўқитилди. Сайловларни ташкил қилиш ва ўтказиш бўйича семинар-тренингларда жами 170 минг нафарга яқин сайлов комиссиялари аъзолари ўз билими ва кўникмаларини оширади.

Айни пайтда сайлов комиссиялари аъзолари тезкорлик билан фойдаланиши учун махсус “Сайлов — 2019” мобил илова ишлаб чиқилди ва зарур маълумотлар билан тўлдирилмоқда. Махсус Телеграм-бот мессенжер канали ишлаб турибди.

Сайлов кодекси бўйича сайловларни ташкил қилиш ва ўтказиш юзасидан янги норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар — йўриқнома, регламент ва низомларни ишлаб чиқиш ва қабул қилиш Марказий сайлов комиссияси томонидан амалга оширилаётган ишларнинг энг муҳим йўналишларидандир. Сайлов кампанияси бошлангунича бу борада ўндан ортиқ ҳужжатлар қабул қилинди.

Имконияти чекланган фуқароларнинг овоз бериш жараёнидаги фаоллигини ошириш учун барча зарур чоралар кўрилаётгани ҳам бу йилги сайловларда алоҳида эътибор қаратилаётган жиҳатлардан. Участка сайлов комиссиясининг жойлашган ери ногиронлиги бўлган сайловчиларнинг овоз бериш жойига келиб-кетиши, жумладан, транспортда келиб-кетиши, кириб-чиқиши, бино ичида ҳаракатланиши, эркин ва тўсиқларсиз овоз бериши учун ҳар томонлама қулай (қиётексйўлакчалар ёки махсус қурилмалар ўрнатилган, махсус кабиналар) бўлишига, сиёсий партиянинг ва депутатликка номзодларнинг босма, кўргазмали, аудиовизуал ва бошқа ташвиқот материалларини тайёрлаш ва тарқатиш, сайловчилар билан учрашувлар ўтказиш орқали сайловолди ташвиқотини олиб боришда ногиронлиги бўлган сайловчиларнинг алоҳида эҳтиёжларига (имо-ишора тили, субтитр ёзуви, Брайль алифбосида чоп этишга) эътибор қаратилади.

Мамлакатимиз парламенти ва маҳаллий Кенгашларга бўлиб ўтадиган сайловларга тайёргарлик кўриш ва уларни ўтказиш билан боғлиқ ишларни, жумладан, сайловчиларнинг сайловда овоз бериш жараёнини юртимизда фаолият юритаётган сиёсий партияларнинг, маҳаллий ўзини ўзи бошқариш органларининг, халқаро ташкилотлар ва хорижий давлатларнинг вакиллари, журналистлар, жумладан, хорижлик журналистлар — минглаб одамлар бевосита кузатиб боради.

Халқаро ташкилотларнинг кузатувчилари ҳақида гап кетар экан, бир рақамни айтиб ўтишимиз зарур. Аввалги парламент сайловларида ЕХҲТнинг Демократик институтлар ва инсон ҳуқуқлари бўйича бюроси чекланган миссиясининг ўттизга яқин кузатувчилари иштирок этган бўлса, бу йилги сайловларимизни бюронинг уч юзга яқин вакиллари кузатиб бориши кутилмоқда. Дастлабки маълумотларга қараганда, миссия асосий гуруҳни, шунингдек, 30 нафар узоқ муддатли ва 250 нафар қисқа муддатли кузатувчини ўз ичига олади. Узоқ муддатли кузатувчиларнинг функциясига сайлов жараёнининг турли босқичларини ҳудудларда кузатиш кирса, қисқа муддатли кузатувчилар сайлов куни бириктирилган туманларда овоз беришни кузатади.

Сайлов — ҳамиша ўзига хос синов. Мамлакат учун, сайланувчи ва сайловчилар учун, уни ўтказувчи ташкилотчилар учун, журналистлар учун ҳам. Чунки давлатимиз раҳбари таъкидлаганидек, сайлов жараёнларида барчамизнинг, аввало, дунёқарашимиз, сиёсий ва ҳуқуқий маданиятимиз, гражданлик позициямиз яна бир бор намоён бўлади.

**Мирзо-Улуғбек АБДУСАЛОМОВ,**
**Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси Раиси.**

# ТУРКИЙ ТИЛЛИ ДАВЛАТЛАР ЎРТАСИДАГИ ҲАМКОРЛИК ЯНАДА РИВОЖЛАНИШИ МИЛЛИЙ МАНФААТЛАРИМИЗГА ХИЗМАТ ҚИЛАДИ

1

Бу ҳақда гап кетганда, туркий тилли давлатлар кўз олдимизга келади. Негаки, улар ўртасида алоқаларни янада жадаллаштириш, сиёсий, ижтимоий, иқтисодий ва маданий-гуманитар соҳаларда ҳамкорликни ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Бу, айниқса, охирги икки-уч йилда кўзга яққол ташланди.

Тарихга назар соладиган бўлсак, 2009 йилнинг 3 октябрида Нахичеван шаҳрида Озарбайжон, Қозоғистон, Қирғизистон ва Туркия давлатлари раҳбарлари Туркий тилли давлатлар ҳамкорлик Кенгашини тузиш тўғрисидаги Битимни имзолаган эди. Бу ҳужжатнинг самараси ҳақида жуда кўп гапириш мумкин.

Битим ўз моҳиятига кўра, Туркий кенгаш халқаро ҳукуматлараро ташкилот ҳисобланиши билан бир қаторда, унинг мақсад ва вазифалари туркий тилли мамлакатлар ўртасида ўзаро ишонч, дўстлик ва яқин қўшничиликни мустаҳкамлаш, минтақада, умуман, дунёда тинчликни қўллаб-қувватлаш ҳамда хавфсизликни таъминлашга қаратилган.

**— Ўзбекистон нима учун мазкур Кенгашга қўшилди? Бундан кўзланган мақсад-муддао нима эди?**

— Айтиш жоизки, Туркий кенгаш унга аъзо давлатларнинг мулоқоти ва ҳамкорлигини илгари суриш мақсадида тузилган йирик минтақавий бирлашма ҳисобланади. Эътиборлиси, ушбу ташкилотнинг шаклланишига қадар Ўзбекистон туркий тилли давлатлар ўртасида ўзаро ҳамкорликни ўрнатиш ва янада ривожлантиришда фаол иштирокчи ҳамда ташаббускорлардан бири бўлган.

Аввало, юқорида айтганимиздек, мазкур Битим Ўзбекистоннинг туркий тилли давлатлар ўртасидаги дўстлик ва ишончга асосланган ўзаро алоқаларини янада мустаҳкамлайди. Қолаверса, ушбу мамлакатлар ўртасида яхши қўшничилик алоқаларини изчил давом эттириш, ташқи сиёсатни демократлаштириш ҳам кўзда тутилгани диққатга сазовор, албатта.

Шубҳасиз, Ўзбекистоннинг Туркий тилли давлатлар ҳамкорлик Кенгашида иштироки ушбу ташкилотнинг аъзо давлатлари билан сиёсий, савдо-иқтисодий, ҳуқуқ-тартибот, табиатни муҳофаза қилиш, маданий, илмий-техникавий, таълим, энергетика, транспорт, кредит-молия ва ўзаро манфаатли бошқа соҳаларда ҳамкорликни янада кенгайтиришга кўмак кўрсатади. Хусусан, туркий халқларнинг умумий ва тарихий меросини чуқур ўрганиш, уни асраб-авайлаш борасида ҳам янги имкониятлар очилади.

Мазкур тузилмага аъзо бўлиш Ўзбекистонга савдо ва инвестициялар учун қулай шароитлар яратиш, товарлар, капиталлар, хизматлар ва технологияларнинг эркин ҳаракатланишини босқичма-босқич амалга ошириш имконини ҳам беради. Шу ўринда айтиш жоизки, туркий тилли давлатлардан Ўзбекистонга сайёҳлар оқими ҳам тобора ортиб боришига замин яратилади.

Шу билан бир қаторда, бундай кўп томонлама ҳамкорлик Туркий кенгаш доирасида Марказий Осиё давлатлари ўртасида ўзаро ҳурмат, дўстона ва яхши қўшничилик алоқаларини мустаҳкамлашга йўналтирилган Ўзбекистоннинг ҳозирги очиқ, конструктив ва амалий ташқи сиёсатини илгари суришда қўшимча омил бўлиб хизмат қилади.

Айни пайтда кейинги йилларда республикамизнинг аксарият халқаро ва минтақавий ташкилотларда ўз фаолиятини жадаллаштириши ҳамда бунинг натижасида мазкур тузилмаларнинг жонланиши, самарадорлиги ошиши ва нуфузининг ортиши айнан халқимиз саъй-ҳаракатлари эвазига эришилаётгани жаҳон ҳамжамияти, сиёсий доиралар ва давлат арбоблари томонидан якдиллик билан эътироф этилмоқда.

Хулоса ўрнида таъкидлаш жоизки, Ўзбекистоннинг Туркий тилли давлатлар ҳамкорлик Кенгашига қўшилгани бу борада давлатимиз раҳбари томонидан изчил ва амалий олиб борилаётган ташқи сиёсатнинг мантиқий давоми, десак, тўғри бўлади. Зеро, тили, дини, қадриятлари бир ёки ўхшаш мамлакатларнинг яқин ҳамкорлиги дунё тараққиёти, инсоният манфаатларига, туркий халқларнинг умумий тарихий ва маданий меросини асрашга, шунингдек, миллий манфаатларимизга хизмат қилиши, шубҳасиз.

**Раҳим ШЕРҚУЛОВ**
**(«Халқ сўзи») ёзиб олди.**

# ҲАМЖИҲАТЛИКНИНГ ОЛТИН ҲАЛҚАСИ

1

Ўзбекистон мазкур ташкилотга аъзо бўлиш ҳақидаги ҳужжатни имзолаганидан кейин, туркий тилли давлатлар матбуотида зиёлилар, илм дарғалари, маданият ва санъат ходимлари бу ҳодисага ўзининг ижобий муносабатини билдирмоқда. Ана шу фикрларда бир нарса бот-бот такрорланяптики, Ўзбекистонсиз бу ташкилот шу пайтгача тўлақонли ташкилот бўла олмаган, шунинг учун мамлакатимизнинг унга аъзо бўлиб кириши ташкилотнинг келгуси тақдирида муҳим роль ўйнайди.

Мамлакатимизнинг дунёнинг кўплаб давлатлари билан олиб бораётган ҳамкорлиги, самимий муносабатлари, барча мамлакатларга бирдек дўстона алоқалар ўрнатишга интилаётгани, шу йўлдаги саъй-ҳаракатларидан шу нарса янада аниқ бўлдики, бундан кейинги ривожланишларда ўзаро ҳамкорлик алоқалари муҳим ўрин тутади. Бугунги глобал дунёда, ўз қобиғига ўралиб юртнинг эртанги келажагини таъминлаб бўлмайди. Шундай экан, қадим тамаддунлар мамлакати бўлган, бугунги дунёвий юксалишлар жараёнида ўз ўрнини топишга интилаётган Ўзбекистоннинг Туркий тилли давлатлар ҳамкорлик Кенгашига аъзо бўлишини шу интилиш, шу юксалиш йўлидаги яна бир саъй-ҳаракат, деб баҳолаш мумкин.

Туркий тилли давлатлар билан бирлик риштаси мамлакатимизда бугун ёхуд кеча пайдо бўлган эмас, у асрлар давомида яшаб келаётган халқимизнинг азалий орзусидир. Ўз даврида Амир Темур “Биз ким мулки Турон, амири Туркистонмиз, Биз ким миллатларнинг энг улуғи, Туркнинг бош бўғинимиз” деганида туркий қавмлар, элатлар ўртасидаги жипсликни таъминлай олишни ва унинг масъулиятини назарда тутган бўлса, ажаб эмас. Ўзбекистоннинг Буюк Ипак йўлида жойлашганлиги ва марказий ўрин тутганлиги бу ҳамкорликнинг муҳим нуқталаридан бири, деб биламан.

Юртимиздаги кўҳна осориатиқаларни кўриш, ўрганиш, тадқиқ этиш учун Япония, Хитой, Жанубий Корея, Германия, Россия ва бошқа кўплаб мамлакатлардан олимлар, мутахассислар, сайёҳлар ташриф буюрмоқда. Инсоният тарихининг энг кўҳна даврларини ўзида мужассам этган, инсоният тамаддунининг нишонаси бўлган бу топилма ва ёдгорликлар дунё халқлари учун шу қадар муҳим ва қизиқарли экан, демак, ўз қардошларимиз бўлган туркий тилли давлатлардан келадиган сайёҳлар ва мутахассислар учун янада муҳим ва аҳамиятли бўлишига ҳеч шак-шубҳа йўқ. Фақат бу меросни шу ўлкаларда кенгроқ танитиш, тарғиб этиш лозим бўлади.

Ҳамкорлик ташкилотининг келгусида амалга ошириладиган режаларида бу каби ишлар ўз ифодасини топади, албатта. Зеро, туризм кейинги даврларда энг даромадли соҳалардан бирига айланиб бормоқда. Буни охирги уч йилда юртимизга ташриф буюрган сайёҳлар сони ҳам айтиб турибди. Фақат бу соҳани дақиқа сайин ўзгариб бораётган даврга мослаб модернизация қилиш, бугунги кун талаб ва истакларини инобатга олиб, бу йўналишда Туркий тилли давлатлар ҳамкорлик Кенгаши кўмагидан унумли фойдаланиш лозим.

Тилимиз, тарихимиз, маданиятимиз бирлиги фақат ўтмиш ҳодисаси эмас, бу бугунги ҳақиқат ва эртанги келажак учун муҳим бир пойдевордир. Буни тил, халқ оғзаки ижоди намуналари, адабиёт, санъат ва миллий қадриятлар мисолида кўришимиз мумкин.

Тил ҳақида гап борар экан, туркий тилли давлатлардаги асосий халқ тили ё қипчоқ, ё қарлуқ, ё ўғуз лаҳжаси билан чамбарчас боғлиқ. Ўзбек адабий тилининг шаклланиши ва ривожида ҳам қипчоқ, ҳам қарлуқ, ҳам ўғуз лаҳжалари бирдек ўрин олган. Шунинг учун ҳам Маҳмуд Кошғарий, Аҳмад Яссавий, Алишер Навоий асарлари бизга қанчалик тушунарли ва қадрли бўлса, Фузулий, Юнус Эмро, Абай асарлари, “Манас” достони ҳам шу қадар тушунарли ва қадрлидир.

Алоҳида таъкидлаш жоизки, дунёда туркий халқчалик оғзаки ижоди бой ва тугал бошқа халқлар йўқ. Халқ оғзаки ижоди барча туркий халқларни нафақат ҳудудий, балки маънавий ҳам бирлаштиради. Бинобарин, халқ оғзаки ижоди битта халқнинг эмас, барча туркий халқларнинг маънавий мероси ҳамдирки, уни фақат битта халққа мослаб ўрганиш сира мумкин эмас. Бу бебаҳо мулк — халқ достонлари — аждодларимизнинг минг йиллардан буён авайлаб асраб келаётган муқаддас меросидир. Зотан, улуғ аллома Зиё Кўкалп халқ оғзаки ижодини барча туркий халқларнинг “Олтин бешиги” деб атаган эди.

Халқ достонларидаги ҳар бир мисра, ҳар бир сўз тугал фикр ташийди. Агар ундан бир сўз ўзгарса ё тушиб қолса ҳам, достон бадиийятига путур етади, аждодларимиз авайлаб асраган азалий қадриятнинг бир томони кемтик бўлиб қолади.

Бу достонларда тилимизнинг диалектологияси, лексикологиясига оид жуда кўп қимматли сўз ва иборалар мавжуд. Бу сўз ва ибораларни, умуман, достонларимиз тилини ўрганиш нафақат ўзбек тили, балки умумтуркий тил учун ҳам муҳим аҳамиятга эга. Зеро, эпик ижод тилининг луғат бойлиги қадимги ва ҳозирги туркий тил таркибини ташкил этади. Шундай экан, достонларимиз тили нафақат ўзбек фольклоршуносларимиз учун, балки туркий тилли халқлар фольклоршунослари, тилшунослари учун ҳам муҳим манба ва тадқиқот объекти бўла олади. Шунинг учун ҳам туркий тил лексикасининг ривожланиш ва ўзгариш, шаклланиш босқичларининг ўзига хос хусусиятларини аниқлашда эпик ижод намуналари алоҳида ўрин тутади.

Қолаверса, “Алпомиш”, “Дада Қўрқут китоби” ва “Гўрўғли” каби халқ достонларининг барча туркий халқларда муқобиллари мавжудлиги, айнан мана шу достонларда туркий элатларнинг бирлиги, жипслиги асосий мавзу қилиб олинганлигини яхши биламиз.

“Алпомиш” достонида икки ака-уканинг арзимас нифоқ туфайли ўрталарига совуқчилик тушиши, эл пароканда бўлиб, Алпомишдек қаҳрамонлар туғилиб, элни қайта бирлаштириб, юртни обод қилгани шунчаки бадиий тўқима эмас, балки тарих синовларидан ўтган ҳаётий воқелик ва унинг бадиий ифодаси ҳамдир.

“Дада Қўрқут китоби” ва “Гўрўғли”, “Манас” достонларида ҳам биз ана шу манзараларни кўрамиз. “Гўрўғли” эпосининг Ўрта Осиё ва Шарқ мамлакатлари, шу жумладан, ўзбек, қозоқ, туркман, озарбайжон, турк, қозоқ версиялари мавжуд. Булардаги ўхшашлик шунчаки тасодифий эмас. Асрлар бўйи, қардош-жондош бўлиб келган элатларнинг бадиий тарихидир.

Кейинги йилларда Президентимиз Шавкат Мирзиёев ташаббуси билан бахшичилик санъатига алоҳида эътибор берилмоқда. Хусусан, давлатимиз раҳбарининг “Халқаро бахшичилик санъати фестивалини ўтказиш тўғрисида”ги қарори билан шу йилнинг апрель ойида Термиз шаҳрида ташкил этилган санъат анжуманида дунёнинг кўплаб мамлакатлари билан бир қаторда, туркий тилли давлатлардан келган бахшилар ҳам иштирок этишди ва энг нуфузли ўринларни қўлга киритишди.

Шу ўринда бир нарсани алоҳида таъкидлаб ўтиш жоиз. Кейинги йилларда мамлакатимизда ўтказилаётган ҳар бир халқаро анжуман — фольклор, адабиёт, санъат ва маданият соҳасида бўлиб ўтаётган тадбирларда асосий эътибор дунёда ва энг биринчи навбатда, шу ҳудуддаги, қўшни давлатлар билан бирга туркий тилли халқларнинг миллий маданияти илдизлари бир эканини, бу азалий анъаналар ҳам миллий, ҳам умуминсоний қадрият эканини урғулашга ва уни улуғлашга қаратилганлиги билан аҳамиятлидир.

Бу ташкилотга аъзо бўлиш тили, дини, тарихи бир бўлган туркий халқларни янада жипслаштиради, туркий давлатларни бир-бирига яқинлаштиради. Уларнинг турли соҳалардаги ҳамкорлик алоқаларини янада мустаҳкамлайди. Бу ҳамкорлик келгусида жуда кўплаб соҳаларда, йўналишларда ўзининг ижобий натижасини беради.

Туркий халқларнинг умуммиллий мероси ҳисобланган бадиий обидалар дунёнинг турли бурчакларига сочилиб кетган, жумладан, қардош мамлакатлар кутубхона ва музейларида сақланиб келмоқда. Истанбул, Анқара, Тошкент, Боку каби шаҳарлардаги қўлёзмалар фондларидаги ноёб манбалар, умумтуркий ёдгорликларни биргаликда тадқиқ этиш, ўзаро қўлёзма нусхаларини алмаштириш ишлари билан боғлиқ суръатда амалга оширилиши бугунги давр тақозосидир. Айтайлик, Алишер Навоий асарларининг Истанбул ва Боку қўлёзма фондларидаги нодир нусхаларини Тошкентга олиб келиш, Тошкент фондларидаги Фузулий асарлари ноёб қўлёзмалари нусхаларининг Боку ва Истанбул нашрларини амалга ошириш, илмий ҳамкорлик ва дўстлик самаралари янада мустаҳкамланишига хизмат қилади.

Бундан шундай хулоса келиб чиқади: туркий халқларни умуммаънавий руҳда бирлаштириш, энг аввало, шу халқларнинг ягона маънавий бойлиги бўлган тили, халқ оғзаки ижоди, адабиёти ва санъати, маданиятини тарғиб қилишдан, умуммилий бадиий асарларнинг тили, бадиийятини, миллий қадриятларни ўзаро узвийликда, ҳамкорликда ўрганиш, тадқиқ этишдан бошлаш лозим. Умид қиламизки, келгусида ана шундай ҳамкорликда тадқиқотлар олиб борилади ва ўзининг ижобий самараларини беради. Туркий тилли давлатлар ҳамкорлик Кенгаши бирдамлик, жипслик, ҳамжиҳатликнинг олтин камарига айланади.

Мамлакатимиз Туркий тилли давлатлар ҳамкорлик Кенгашига аъзо бўлиши мана шу соҳадаги ҳамкорлик ришталарини янада мустаҳкамлайди. Бу ҳамкорлик бошқа бирор-бир мамлакатнинг манфаатларига зид келмайди, аксинча, бу дўстлик, бу ҳамкорлик бошқа ҳамкорлик ришталарининг янада мустаҳкам бўлишини таъминлайди. Мамлакатимиз раҳбарининг сўзлари билан айтганда: “Туркий тилли давлатлар ҳамкорлик кенгаши кўп томонлама муносабатларимизни янада ривожлантиришда муҳим ўрин тутади”.

***Жаббор ЭШОНҚУЛОВ,***
***филология фанлари доктори.***

ЭЪЛОНЛАР

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ СУВ ХЎЖАЛИГИ ВАЗИРЛИГИ**
**ИРРИГАЦИЯ ВА СУВ МУАММОЛАРИ ИЛМИЙ-ТАДҚИҚОТ ИНСТИТУТИ**
**қуйидаги соҳалар бўйича таянч докторантура (PhD) ва докторантурага (DSc) мазкур ихтисосликлар кесимида 2020 йил учун ўқишга қабул қилишни эълон қилади:**

**докторантлар — фалсафа доктори (PhD)**

**05.09.07** — «Гидравлика ва муҳандислик гидрологияси».
**06.01.02** — «Мелиорация ва суғорма деҳқончилик».

**докторантлар — фан доктори (DSc)**

**05.09.07** — «Гидравлика ва муҳандислик гидрологияси».

**Маълумот учун қуйидаги манзилга мурожаат этиш мумкин:**
**100000, Тошкент шаҳри, Навоий кўчаси, 44-уй.**
**Тел.: 71-242-29-74, 71-242-29-78.**
**E-mail: ismiti@minwater.uz**

794R/536

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ИҚТИСОДИЁТ УНИВЕРСИТЕТИ**

***2020 ЙИЛ УЧУН ҚУЙИДАГИ ИХТИСОСЛИКЛАР БЎЙИЧА ТАЯНЧ ДОКТОРАНТУРА, ДОКТОРАНТУРА ВА МУСТАҚИЛ ИЗЛАНУВЧИЛИККА ҚАБУЛ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ:***

| № | Ихтисослик шифри ва номи |
|---|---|
| 1. | 08.00.01 — Иқтисодиёт назарияси. |
| 2. | 08.00.02 — Макроиқтисодиёт. |
| 3. | 08.00.03 — Саноат иқтисодиёти. |
| 4. | 08.00.04 — Қишлоқ хўжалиги иқтисодиёти. |
| 5. | 08.00.05 — Хизмат кўрсатиш тармоқлари иқтисодиёти. |
| 6. | 08.00.06 — Эконометрика ва статистика. |
| 7. | 08.00.07 — Молия, пул муомаласи ва кредит. |
| 8. | 08.00.08 — Бухгалтерия ҳисоби, иқтисодий таҳлил ва аудит. |
| 9. | 08.00.09 — Жаҳон иқтисодиёти. |
| 10. | 08.00.10 — Демография. Меҳнат иқтисодиёти. |
| 11. | 08.00.11 — Маркетинг. |
| 12. | 08.00.12 — Минтақавий иқтисодиёт. |
| 13. | 08.00.13 — Менежмент. |
| 14. | 08.00.14 — Иқтисодиётда ахборот тизимлари ва технологиялари. |
| 15. | 08.00.15 — Кичик бизнес ва тадбиркорлик иқтисодиёти. |
| 16. | 09.00.04 — Ижтимоий фалсафа. |
| 17. | 13.00.12 — Таълим-тарбия назарияси ва методикаси. |

*Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 22 майдаги «Олий ўқув юртидан кейинги таълим тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорига мувофиқ, таянч докторантура, докторантура ва мустақил изланувчиликка қуйидаги ҳужжатлар топширилиши сўралади:*

**Таянч докторантурага (PhD)** ўқишга топширадиган талабгорлар учун: ариза, қисқача биографик маълумотнома, меҳнат дафтарчасининг белгиланган тартибда тасдиқланган нусхаси (ишлаётган талабгорлар учун), олий таълим муассасаси магистратура, бакалавриат дипломлари ва уларнинг иловалари, олий маълумот (мутахассислик дастурлари бўйича) тўғрисидаги диплом нусхаси ва иловаси, нашр этилган илмий ишлар рўйхати, шунингдек, уларнинг нусхалари.

**Докторантурага (DSc)** ўқишга топширадиган талабгорлар учун: ариза, қисқача биографик маълумотнома, меҳнат дафтарчасининг белгиланган тартибда тасдиқланган нусхаси (ишлаётган талабгорлар учун), олий маълумот, фан номзоди ёки фалсафа доктори (PhD) ёхуд хорижий давлатларда унга тенглаштирилган илмий даражага эга бўлганлиги тўғрисидаги диплом нусхаси, нашр этилган илмий ишлар рўйхати, шунингдек, уларнинг нусхалари (фан доктори илмий даражасини олиш учун диссертация тадқиқоти асосини ташкил қилиши мумкин бўлган илмий журналларда чоп этилган камида учта илмий мақола ҳамда илмий-амалий конференциялар, семинарлар ва тегишли илмий йўналишлар бўйича илмий ишлар тўпламларида камида иккита тезис), тадқиқот мавзуи бўйича илмий маъруза ва фан доктори (DSc) илмий даражасини олиш учун тайёрланган докторлик диссертацияси режасининг муфассал лойиҳаси.

**Фалсафа доктори (PhD)** илмий даражасини олиш учун мустақил изланувчиликка: қисқача биографик маълумотнома, олий таълим муассасаси магистратура, бакалавриат дипломлари ва уларнинг иловалари, олий маълумот (мутахассислик дастурлари бўйича) тўғрисидаги диплом нусхаси ва иловаси, меҳнат дафтарчасининг белгиланган тартибда тасдиқланган нусхаси, илмий ишлар рўйхати ва уларнинг нусхаси, иш жойидан тавсифнома.

**Фан доктори (DSc)** илмий даражасини олиш учун мустақил изланувчиликка: қисқача биографик маълумотнома, олий маълумот (мутахассислик дастурлари бўйича) тўғрисидаги диплом нусхаси, меҳнат дафтарчасининг белгиланган тартибда тасдиқланган нусхаси, илмий ишлар рўйхати ва уларнинг нусхаси, фан номзоди ёки фалсафа доктори (PhD) дипломи ёхуд хорижда олинган унга тенглаштирилган бошқа илмий даражалар дипломи нусхаси, иш жойидан тавсифнома.

**Ҳужжатлар 2019 йилнинг 15 октябригача қабул қилинади.**

Қўшимча маълумот олиш учун Тошкент давлат иқтисодиёт университетининг Илмий-тадқиқотлар, инновациялар ва илмий-педагогик кадрлар тайёрлаш бўлими (71-239-01-43)га (манзил: 100185, Тошкент шаҳри, Ислом Каримов кўчаси, 49-уй) мурожаат этиш мумкин.

797J/456

**ТОШКЕНТ МОЛИЯ ИНСТИТУТИ**

**олий ўқув юртидан кейинги таълим институтига 2020 йил учун қуйидаги ихтисосликлар бўйича қабул эълон қилади:**

***2020 йил учун Тошкент молия институтида Давлат бюджети маблағлари ҳисобидан таянч докторантура ва докторантура учун ажратилган қабул квотаси***

| Т/р | Ихтисослик шифри ва номи | 2020 йил учун ажратилган квоталар сони | |
|---|---|---|---|
| | | Таянч докторантура | Докторантура |
| 1. | 08.00.01-Иқтисодиёт назарияси | 1 | |
| 2. | 08.00.06-Эконометрика ва статистика | 1 | |
| 3. | 08.00.07-Молия, пул муомаласи ва кредит | 3 | |
| 4. | 08.00.08-Бухгалтерия ҳисоби, иқтисодий таҳлил ва аудит | 2 | 1 |
| 5. | 08.00.14-Иқтисодиётда ахборот тизимлари ва технологиялари | 1 | |
| | Жами | 8 | 1 |

Ҳужжатлар 2019 йилнинг 15 октябригача қабул қилинади.

**Талабгорлар тақдим этадиган ҳужжатлар:**
— ариза;
— маълумотнома;
— меҳнат дафтарчасининг нусхаси;
— олий маълумот ёки фан номзоди тўғрисидаги диплом нусхаси;
— илмий ишлар рўйхати (камида 1 мақола ва 2 та тезис нусхаси);
— илмий раҳбар (маслаҳатчи)нинг ёзма розилиги;
— иш жойидан тавсифнома (мустақил изланувчиликка талабгорлар учун);
— паспорт нусхаси;
— 3x4 см. ҳажмда 6 та фотосурат.

**Эслатма:** барча ҳужжат қоғоз ва электрон (PDF) шаклида тақдим этилиши шарт.
**Манзил:** Тошкент шаҳри, Амир Темур шоҳкўчаси, 60-«А» уй, Тошкент молия институтининг Илмий-тадқиқотлар, инновациялар ва илмий-педагогик кадрлар тайёрлаш бўлими.
**Телефон:** 71-235-41-83.
**E-mail:** bitp@tfi.uz

796J/545

SANOAT QURILISH BANK
**«ЎЗСАНОАТҚУРИЛИШБАНК» АТБ АКЦИЯДОРЛАРИ ДИҚҚАТИГА!**

**Сизларга 2019 йил 11 октябрь соат 11.00 да «Ўзсаноатқурилишбанк» бош офиси мажлислар залида банк акциядорларининг навбатдан ташқари умумий йиғилиши ўтказилишини маълум қиламиз.**

Акциядорларни рўйхатга олиш соат 10.00 дан 11.00 гача давом этади.
Манзил: 100000,Тошкент шаҳри, Шаҳрисабз кўчаси, 3-уй. E-mail: info@uzpsb.uz, economanaliz@uzpsb.uz.

**КУН ТАРТИБИ:**
1. Аффилланган шахс билан битим тузиш тўғрисида.
2. «Ўзсаноатқурилишбанк» АТБ «Корпоратив бошқарув қоидалари» тавсияларига риоя этиш мажбуриятини қабул қилиш.

**Маълумот учун телефонлар: 71-120-45-00, ички 13-30, 94-711-30-75**

«Ўзсаноатқурилишбанк» АТБ кенгаши.

**«ЎЗДАВЕРЛОЙИҲА» ДАВЛАТ ИЛМИЙ-ЛОЙИҲАЛАШ ИНСТИТУТИ**

**2020 йил учун қуйидаги ихтисосликлар бўйича танлов эълон қилади:**

**Докторантура (DSc)га**
**06.01.10** — «Ер тузиш, кадастр ва ер мониторинги» — 1 ўрин.

**Таянч докторантура (PhD)га**
**06.01.10** — «Ер тузиш, кадастр ва ер мониторинги» — 4 ўрин.

Қабул Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 22 майдаги 304-сонли қарори билан тасдиқланган Олий ўқув юртидан кейинги таълим тўғрисидаги низом талаблари асосида амалга оширилади.
Ҳужжатлар 2019 йилнинг 15 октябригача қабул қилинади.
Талабгорлар http://phd.mininnovation.uz расмий сайти орқали рўйхатдан ўтади.

**Манзил: Тошкент шаҳри, Чилонзор тумани, Чўпон ота кўчаси, «Ц» мавзе.**
**Телефонлар: 71-273-73-00, 71-273-73-61.**
**Факс: 71-273-03-10, мобил: 97-145-77-84.**

795R/537

Халқ банки:

# МИЖОЗ МАНФААТИГА ВА ТАЛАБИГА МОС ХИЗМАТ КЎРСАТИШ — БОШ МЕЗОН

*Бугунги шиддатли давр банклардан ҳам замонга мос фаолият юритишни талаб этмоқда. Кейинги йилларда мамлакатимиз молия-банк тизимини такомиллаштириш, молиявий хизматлар сифатини янада яхшилаш борасида кўрилаётган чора-тадбирлар шундан далолат беради. Бинобарин, бугун банклар халққа яқинлашиб, ўз хизмат ва маҳсулотларини уйма-уй юриб тарғиб қиляпти. Банк ва мижоз ўртасида эркин мулоқот майдони яратиляпти. Буларнинг барчаси, ўз навбатида, ўзаро алоқалар мустаҳкамланишига замин яратяпти.*

## Молия муассасаларида

Бунга акциядорлик тижорат Халқ банки томонидан амалга оширилаётган ишлар яққол мисол бўлади. Яъни Халқ банки тизимида мижоз фойдасига вақтни тежаш, хизмат кўрсатиш жараёнини қисқартириш орқали рақамли универсал тижорат банки сифатида хизмат кўрсатиш бош мақсад қилиб олинган.

### Ишончлилик ва барқарорлик тимсоли

Бугунги кунда Халқ банки, том маънода, халқнинг оилавий банкига айланмоқда. Молия муассасаси томонидан кўрсатилаётган хизматлар мижозлар манфаатига ҳар томонлама мослашаётгани, бу борада жамоа доимий изланишда эканлигидан далолатдир.

Қайд этиш лозимки, кўплаб лойиҳалар бугун рўёбга чиқарилмоқда. Уларнинг самараси яратилаётган янги иш ўринлари, маҳсулот тури ортиши, бюджетга тушум кўпайишида кўринмоқда.

Шундан келиб чиқиб, Халқ банки жамоаси ҳам яна бир янгиликка қўл урди. Яъни хизмат кўламини кенгайтириш ва замонавийлаштириш баробарида, банкнинг логотип ва корпоратив ранги янгиланди. Эътиборлиси, янги логотип узоқ тарих, боболаримиз босиб ўтган йўл, унсурлар кучи, давлатимиз қудрати ва халқимиз ҳаётини ўзида бирлаштирган. Логотипдаги олтин ранг бойлик ва ишончлиликни, яшил ранг эса банкнинг барқарорлиги ва шиддат билан ўсаётганини англатади.

Айни пайтда Халқ банки Ўзбекистон банк тизимининг муҳим бўғини ҳисобланиб, унинг таркибида 198 та филиал, 30 та минибанк ва 900 га яқин жамғарма ҳамда махсус кассалар мавжуд. Банк тизимида жисмоний шахсларга янада сифатлироқ хизмат кўрсатиш мақсадида микроқарз, юқори фоизли омонатлар, нафақа-овердрафти, кобрендинг, кобейджинг ва кредит карталари каби бир қатор янги маҳсулотларни жорий этмоқда.

Мижозлари сони 16 миллиондан ошди. Уларга қулайлик яратиш мақсадида эса кеча-кундуз хизмат кўрсатиш марказлари барпо этилмоқда. Шунингдек, пластик карточкаларга масофадан туриб хизмат кўрсатиш учун жойларга 500 дан ортиқ банкомат ва инфокиосклар ўрнатилган. Йил охирига қадар яна 1000 га яқин банкоматлар олиб келиниши, мижозларга қўшимча қулайликлар яратиш, банк хизматлари оммабоплигини янада ошириш ҳамда уларни оптималлаштириш мақсадида кўплаб “Банк хизматлари офислари” очилиши режалаштирилганлиги ҳам диққатга сазовордир.

Бундан ташқари, “Xalq Mobile” мобил иловаси жисмоний шахсларга банк офисларига ташриф буюрмасдан туриб турли банк амалиётларини бажариш имконини беради.

### Замонавийлик — давр талаби

Бугун мамлакатимиз иқтисодиётининг локомотиви ҳисобланган банклар фаолияти барқарорлигини таъминлашда унинг ҳуқуқий асослари яратилаётгани айни муддао бўлмоқда. Жумладан, Президентимизнинг 2018 йил 23 мартдаги “Банк хизматлари оммабоплигини ошириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарори бу борада муҳим бурилиш ясаган ҳужжатлардан биридир. Ўтган вақт мобайнида Халқ банки томонидан қарор ижроси доирасида муайян ишлар амалга оширилди. Мисол учун, “фронт офис” ҳамда Чакана хизматлар бўлими ташкил этилгани мижозларга ортиқча вақт ва оворагарчиликларсиз банк хизматларидан фойдаланиш имконини берди. Бунда юридик шахсларга тааллуқли операциялар, яъни ҳисоб рақам ёки пластик ҳамда корпоратив карточкалар очиш, кредит хизматлари, экспорт-импорт операциялари, “Мобил-банкинг” ҳамда “Интернет-банкинг” хизматлари, тўлов топшириқномаларига асосан, маблағларни ўтказиш кабиларнинг барчаси “фронт офис”да амалга оширилади. Банк томонидан экспорт-импорт амалиётларидаги СВИФТ харажатлари ҳамда бошқа фоиз ставкалари камайтирилгани тадбиркорларга катта қулайлик яратди. Шу билан бир қаторда, давлат дастурлари асосида тадбиркорлар учун имтиёзли кредитлар ажратилмоқда.

Шунингдек, жисмоний шахсларга кўрсатилаётган хизматлар сифатини яхшилаш мақсадида Чакана хизматлар бўлими ташкил этилиб, унда мижозларга тажрибали ходимлар томонидан пластик карточка очиш, омонатларни жойлаштириш, халқаро пул ўтказмалари, жамғариб бориладиган пенсия бўйича, кредит ажратиш, коммунал тўловлар қабул қилиш ва бошқа бир қатор хизматлар бажарилади. Банк филиалларида дастлабки маълумотлар берувчи маслаҳатчи хизмати йўлга қўйилгани ҳам мижозларга ҳар томонлама маъқул бўлмоқда.

Банк бошқаруви томонидан олиб борилаётган самарали тадбирлар натижасида банк барқарор ривожланмоқда. Банк мижозлари сони 2017 йилдагига нисбатан 56 фоиз кўпайгани шундай саъй-ҳаракатлар самарасидир. Ҳозирги кунда банкнинг жами капитали ҳам 2017 йилдагига қараганда 262 фоиз ошиб, 2 триллион 118 миллиард сўмни, жами активлари 285 фоиз кўпайиб, 15 триллион 343 миллиард сўмни, жами кредит қўйилмалари эса 402 фоиз ортиб, 9 триллион 476 миллиард сўмни ташкил қилаётгани янада эътиборга молик.

Бундан ташқари, Халқ банкида жорий йилда илк маротаба молиявий ҳисобот халқаро стандартларининг 9-стандарти амалиётга татбиқ этилиб, у ISO 9001:2015 халқаро стандартлари бўйича мувофиқлик сертификатига муносиб кўрилди. Банкнинг халқаро даражаси бир поғонага кўтарилиб, “Fitch” халқаро агентлигининг ВВ-барқарор рейтинг кўрсаткичига эга бўлди.

**ҲОЗИРГИ КУНДА XalqBanki** банкнинг жами капитали 2017 йилдагига қараганда **262 фоиз** ошиб, **2 триллион 118 миллиард сўмни**, жами активлари **285 фоиз** кўпайиб, **15 триллион 343 миллиард сўмни**, жами кредит қўйилмалари эса **402 фоиз** ортиб, **9 триллион 476 миллиард сўмни** ташкил этади.

### Қулайликлардан мижозлар мамнун

Аҳоли ва тадбиркорлик субъектларига мўлжалланган 6 та (“Кредит карта”, “Режали тўлов” картаси, “Пенсия овердрафт” картаси, “Кобейджинг” картаси ҳамда “QR-kod” ва “HR-Портал” хизмати каби) янги банк хизматлари жорий қилиниб, бугунги кунга қадар 53 минг нафардан зиёд ҳамюртларимизга 45,2 миллиард сўмлик банк хизматлари кўрсатилди. Шунингдек, аҳолининг бўш пул маблағларини банк айланмасига жалб қилиш мақсадида сўнгги ойларда 10 та миллий ва хорижий валютадаги янги омонат турлари жорий қилинди. Мазкур омонатларга бугунги кунга қадар жами 211,2 миллиард сўм, шундан август ойи охирида жорий қилинган “Айнан сиз учун” омонатига 2,1 миллиард сўмлик маблағлар жалб этилди.

Бундан ташқари, Тошкент шаҳридаги мактабгача таълим муассасаларининг тўловларини қабул қилишни тезлаштириш ва замонавийлаштириш бўйича “Xalq Mobile” мобил иловасидан фойдаланган ҳолда, “QR-kod”ли янги хизмат тури ишлаб чиқилди.

Халқ банкининг миллий валютадаги пластик карталарига куннинг исталган вақтида Россиядан туриб “Контакт” ва “Юнистрим” тизимлари орқали маблағларни юбориш имконияти яратилди. Ҳудудларда 302 та замонавий “Банк хизматлари офислари” ташкил этиш режалаштирилган бўлиб, бугунги кунда 29 таси ишга туширилди. Йил якунига қадар уларнинг сонини 44 тага етказиш чоралари кўрилмоқда. Ушбу офисларда 8 нафаргача универсал ходим мижозларга комплекс хизмат кўрсатмоқда. Бу, ўз навбатида, бир мижозга хизмат кўрсатиш вақти 5 баробарга *(20 — 25 дақиқадан 3-5 дақиқагача)* қисқаришига олиб келади.

Халқ банкини универсал тижорат “рақамли банк”ка босқичма-босқич трансформация қилиш мақсадида “ИАБС-7” такомиллаштирилган дастурий таъминот тизимини жорий қилиш устида иш олиб борилмоқда. Банк томонидан салоҳиятли қарз олувчиларга кредит ажратишда мураккаблашган механизмдан воз кечилиб, кредитлар ажратиш муддатларини қисқартириш имконини берувчи скоринг моделлари ишлаб чиқилиб, ушбу моделни ишга тушириш бўйича Давлат солиқ қўмитаси, Давлат божхона қўмитаси ва Ички ишлар вазирлигининг маълумотлар базаси билан интеграция қилиш жараёни давом этмоқда.

Бунинг натижасида туман, шаҳар ва вилоятлардаги кредит комиссиялари тўлиқ тугатилиб, ортиқча оворагарчиликларга барҳам берилади.

Қисқача айтганда, акциядорлик тижорат Халқ банки томонидан хизматлар халқаро стандартларга мослаштирилаётгани, фаолият мижозлар талаб ва истаклари асосида шакллантирилаётгани унинг иқтисодиётимизнинг ҳар бир жабҳасида ўз ўрнига эга бўлишида, универсал банкка айланишида қўл келмоқда.

**Банк ахборот хизмати.**

*Хизматлар лицензияланган.*


















Халқ сўзи
Народное слово

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Кенгаши, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ

2008 йил 15 январда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 956. 50 843 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2. Баҳоси келишилган нархда.

Газетамиз ҳақидаги маълумотларни юклаб олиш учун QR-кодини телефонингиз орқали сканер қилинг.

ТЕЛЕФОНЛАР:
Девонхона 71-233-52-55;
Котибият 71-233-10-28; Эълонлар 71-232-11-15.

ISSN 2010-8788

Таҳририятга келган қўлёзмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.

Газетанинг етказиб берилиши учун обунани расмийлаштирган ташкилот жавобгар.

Газета таҳририят компьютер марказида терилди ҳамда оператор А. Исмаилов томонидан саҳифаланди.

Газетанинг полиграфик жиҳатдан сифатли чоп этилишига “Шарқ” нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси масъул. Босмахона телефони: 71-233-11-07.

МАНЗИЛИМИЗ:
100000,
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.
Навбатчи муҳаррир — З. Худойшукуров.
Мусаҳҳиҳ — С. Исломов.

“Шарқ” нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: Буюк Турон кўчаси, 41. ЎзА якуни — 21.40 Топширилди — 22.00 1 2 3 4 5 6